

ҚОРАҚАЛПОҚ СУР ҚОРАҚҰЛ ҚАМАР ҚҰЙЛАРИНИНГ ЖУН МАҲСУЛДОРЛИГИ

Астанкулов А. Ф.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация:

Ушбу мақолада қамар ранг-барангликдаги қорақўл қўйларнинг жун маҳсулдорлигининг қирқим муддатига, технологиясига ва қўйларнинг туғим ёши динамикасига боғлиқлиги ўрганилди ва хулосалар берилди.

Калит сўзлар: қамар ранг-барангликдаги қорақўл қўйлар, жун маҳсулдорлиги, ёши динамикаси ва қирқим муддати.

Кириш:

Қорақўл қўйларидан жун ишлаб чиқариш бўйича, бошқа зотларга нисбатан Республикада етакчи ўринни эгаллайди.

Қорақўл қўйларида жуннинг морфологик хусусиятлари бўйича, қуйидаги жун толалари билан фарқланади: тивит, оралик жун, қилтиқ, қуруқ ва ўлик жунлардан иборатдир. [1; 34.6] қорақўл қўйларининг жун толаси шаклланиши ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда қўйлар рангига боғлиқлигини тадқиқот қилган ҳолда, шундай хулоса келдики, қўйлар индивидуал хусусиятлари бўлган конституцияси асосий оимларнинг бири ҳисобланиши таъкидлайди. Кейинчалик бундай аналогик фикрни қўпчилик олимлар қўллаган ҳолда, жун маҳсулдорлиги қўйларнинг рангги, маълум бир гул типига мансублиги, конституция типлари, уларни озиклантириш даражаси, жун тола қопламанинг зинчлиги, узунлиги ва бошқа факторларнинг таъсир этиши таъкидлаган. [3; 19.6] тадқиқот ишларида қўзиларда жун толаларининг узунлиги билан жун маҳсулдорлиги ўртасидаги боғлиқликлар барча ёш даврларида жун толаларининг узун бўлиши қамар ранг-баранглигидаги қўзиларнинг жун қирқимининг юқори (1186,4 грамм) бўлишини таъминлаб, ушбу кўрсаткичнинг ўрикгул, шамчирок-гул ва пўлати-сур ранг-баранглигидаги қўзилар кўрсаткичига нисбатан тегишлича 140,1; 154,1 ва 165,4 граммга юқори бўлиши кузатилган.

[2; 24-26.6] маълумотларида келтирилишича, ясси ва жакет типидagi қорақўл қўйларида тирик вазни ва жун қирқим миқдори ўртасида корреляция коэффициентлари ўртача қийматга эга бўлганлигини исботлайди ва ясси ва жакет типидagi қора қорақўл қўйларининг ёши ўтиши билан тирик вазни ва жун қирқим ўртасидаги боғлиқлик камайишини аниқлаган. [5; 120.6] маълумотларида, ясси типидagi қўйларда кўрсатилган белгилар орасидаги жакет типидagi тенгдошларига қараганда анча юқорироқ бўлган ва ҳар икки типдagi қўйларда тирик вазн ва жун қирқим ўртасидаги корреляция

коэффициентлари кўчқорларга қараганда қўйлар ва қўзиларда юқори бўлганлиги тўғрисида хулоса қилган.

Тажриба жойи ва усуллари: Тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикаси Шимолий Қизил-қум худудлари бўлган Қораўзак туманининг қоракўлчиликка ихтисослашган “Нуртилек-қараозек” фермер хўжалигида олиб борилди.

Тажрибадаги қўйларнинг жун маҳсулдорлиги баҳорги ва кузги қирқим даврида индивидуал жун қирқимининг миқдорини лаборатория тарозисида ўлчаш орқали амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари: Қўйлар жун қоплами ноқулай шароитлардан, ёзда иссиқдан, қишда совуқдан, ҳамда механик таъсирлардан сақлашда асосий ҳимоя воситаси ҳисобланади ва шу биргаликда енгил саноат учун хом-ашё сифатида фойдаланилади. Бизнинг тадқиқот ишларимизда қамар ранг-барангликдаги қоракўл қўйларининг жун маҳсулдорлиги ўрганиш натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал Қорақалпоқ сур қоракўл қамар қўйларининг жун маҳсулдорлиги

Қирқим мuddати	n	Сур қўйлар ранг-баранглик вариацияси ва жун маҳсулдорлиги, грамм.					
		Очиқ қамар		Қизил қамар		Қора қамар	
		$X \pm S_x$	C_v	$X \pm S_x$	C_v	$X \pm S_x$	C_v
Қўзи жуни	25	786,6 $\pm$ 45,7	18,97	805,8 $\pm$ 65,7	20,11	782,7 $\pm$ 48,8*	19,05
Баҳорги	25	915,8 $\pm$ 34,2	15,76	998,8 $\pm$ 72,6*	17,13	887,6 $\pm$ 67,6	39,85
Кузги	25	724,6 $\pm$ 65,2*	14,83	815,1 $\pm$ 62,3	22,01	709,5 $\pm$ 53,7*	21,38
Йиллик	-	1640,4 $\pm$ 76,6	97,76	1813,9 $\pm$ 97,86	99,86	1597,2 $\pm$ 88,6	86,94

* $p < 0,001$

1-жадвалда келтирилган маълумотларда, сур қўйлар ранг-баранглик вариацияси бўйича жун маҳсулдорлиги кўрсаткичларида қўзи жунида очиқ қамарда 786,6 $\pm$ 45,7 бўлган бўлса, қизил қамарда 805,8 $\pm$ 65,7 ва қора қамар эса, 782,7 $\pm$ 48,8 граммни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич бўйича қизил қамар жун миқдори бўйича устунлик қилиб, ўзининг тенгқулари бўлган очиқ қамардан 19,2 ва қора қамардан 23,1 граммга жун маҳсулдорлиги кўплиги билан далилланди. Баҳорги жун маҳсулдорлиги кузги жун маҳсулдорлигидан юқори бўлиб, очиқ қамарда 191,2 граммга устунлик қилган бўлса, Шунга мос равишда қизил қамарда 183,7 ва қора қамарда 178,1 граммга устунлигини кўриш мумкин. Умуман жун маҳсулдорлигининг йиллик миқдори бўйича, қора қамарнинг жун маҳсулдорлиги 100 %-деб қабул қилинса, унда қизил қамарда 13,6 %-га, очиқ қамарда эса бу кўрсаткич 2,7 %-га устунлик қилди.

Бизнинг қамар қўйларининг туғим ёши динамикасида йиллик жун маҳсулдорлиги бўйича ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган

2-жадвал Қамар қўйларининг туғим ёши динамикасида йиллик жун маҳсулдорлиги, граммда

Қўйлар туғим ёши	n	Қамар вариациялари		
		Очиқ қамар	Қизил қамар	Қора қамар,
		X±Sx		
1- туғим	25	1640,4±76,6*	1698,8±86,8*	1687,4±84,9
2- туғим	25	1713,2±64,5	1803,2±74,1	1727,9±83,4***
3- туғим	25	1823,2±67,8***	1876,9±74,6	1803,1±69,4
Ўртача	75	1725,6±98,16	1792,9±87,36	1739,4±89,46*

*p<0,001, ***p<0,05

2-жадвал бўйича олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, жун маҳсулдорлиги маълум даражада туғим ёши боғлиқ ҳолда, очиқ қамарда 1- туғим ёшидаги қўйлардан қирқиб олинган жун миқдорини 100 %-деб қабул қилинса, 2-туғим ёшида 4,4 %-га, 3-туғим ёшида эса, 11,1 %-га ошганлиги аниқланди. Бундай тенденция қизил ва қора қамарда ҳам сақланган бўлиб,шунга мос равишда, 2-туғим ёшида 6,1 %-га ва 2,4 %-га, 3-туғим ёшида эса, 10,5 %-га ва 6,9 %-га фарқланишларни кўриш мумкин.

Хулосалар:

Сентябр ойида кузги қирқимга қўйилган бўлса, орасидаги муддат 8-ойни ташкил қилади ва кузги қирқим эса жами 4-ойни ўз ичига олади. Шу муносабат билан жун ўсиш муддати узоқлиги билан фарқланиб, ўз навбатида жун маҳсулдорлигига таъсир кўрсатади. Қорақўл қўйларининг қирқим технологиясини ўз вақтида мақсадли қўллаш орқали жун маҳсулдорлиги ошириш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ролдугина Н.П. Формирования свойств шерстного покрова и шерстная продуктивность каракульских овец разных цветовых вариаций. Автореф. дисс.доктора с-х наук.Алматы.1989.-с.34.
2. Прманшаев М., Ережепов С. «Сопряженность некоторых селекционных признаков у черных каракульских овец разных смушковых типов» журнал «Овцы, козы, шерстяное дело», № 3, 2016, 24-26 С.
3. Парманова Д.М. «Қорақўлчиликда насли қўзилар олиш ва уларни парваришлаш хусусиятлари» кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Самарқанд – 2020 йил, 19 – бет
5. Исаеянц Б. Л. Длина волоса у каракульских овец при рождении и её значение в селекции. Дисс. на соиск. Уч. Степени канд. с/х наук. Самарканд,1971.-с.120.